В Узбекистане имеются ценные дикорастущие и культурные формы лоха восточного, с очень крупными и с разнообразными формами плодами, которые используются в различных отраслях народного хозяйства. Крупные мясистые приятные на вкус плоды пригодны для приготовления компотов и варенья, а также употребляются местным населением в пищу в сыром или сушеном виде. Из 100кг крупноплодного лоха (при 23% влажности) можно получить 27-28 л 40° спирта.

Культура лоха очень древняя. С давних времен местное население выращивает крупноплодные формы лоха, представленную различными популяциями с широким размахом вариаций признаков. Это видно из того, что садовая форма многими исследователями признается за самостоятельный вид. В Средней Азии известны такие сорта как, нон-жийда, кандак-жийда, келин бармок, новот-жийда, шакалак-жийда, пуххи-жийда, каптар жийда, карга жийда и др.

Изменчивость лоха - *Elaeagnus L.* проявляется не только в цветках, плодах, листьях, а также можно в жизненных формах растения. Это обусловлено, разнообразием экологических условий, мест их произрастания которым в процессе

исторического развития у видов р. *Elaeagnus* L., выработались различные морфологические и биоэкологические приспособления. Эти приспособительные особенности придают лоховым зарослям определенный внешний вид. Так, в крайних, жестких условиях произрастания (в условиях заиливания речных наносах) лох в этих случаях представлен небольшими кустарниками (2-2.5 м высоты) с сидячими облиственными ветвями и побегами. В лучших условиях произрастания (хорошо аэрируемые и дренируемые супесчаные, суглинистые плодородные почвы) лох образует дерево лесостепного типа, но достигает здесь высоты 8-9 м.

При определении жизненных форм лоха восточного в Узбекистане, за основу была принята классификация жизненных форм растений И.Г. Серебрякова [1].

Лох восточный (*Elaeagnus orientalis* L.) определяют как кустарник или дерево [2]. По классификации И.Г. Серебрякова [1], мы отнесли лох восточный к двум типам (Схема.1). Как видно из схемы лох восточный представляет собой деревья лесного, лесостепного или саваннового типа. Кроме того, их можно отнести вегетативно подвижному, корнеотпрысковому типу кустарников (аэроксильный кустарник), который является переходным между деревьями и кустарниками. Аэроксильные кустарники не способны к подземному ветвлению, у них новые оси под землей могут возникать как корневые отпрыски, а ветвление надземных осей начинается вблизи поверхности, причем образуется несколько вертикальных и наклонных осей.

Изучение морфогенеза лоха восточного в Самаркандской и Ташкентской областях показали, что ее следует отнести к типу наземных кронообразующих деревьев с прямостоячими стволами и полностью одревесневающими удлинненными побегами. В зависимости от условий произрастания они могут быть отнесены к деревьям лесостепного или саванного типа, или же к “Деревьям плодового типа” [1], а в ряде случаев к одноствольным деревьям – деревьям лесного типа. Это подтверждается тем, что в любых условиях произрастания в Узбекистане у лоха всегда выделяется единственная главная ось, которая лидирует в течение всего онтогенеза, тогда как у кустарников она выявляется лишь в начале жизни растения, а затем теряется среди равных ей и даже более мощных надземных скелетных осей.

Своеобразие роста растений лоха тесно связано с типом ветвления многолетних стеблевых осей и последующим их отмиранием. Скелетные основные стволы живут 15-

20, иногда до 30 лет. После отмирания развиваются дочерние растения корнеотпрыскового происхождения из придаточных почек на горизонтальных корнях.

Схема 1.

Классификация жизненных форм *Elaeagnus orientalis* L

Отд. А. Древесные растения	
I тип Деревья	II тип Кустарники
I класс. Кронаобразующие	I класс. Кустарник с полностью одревесневшими удлиненными побегами
I подкласс. Наземные	I подкласс. Прямостоячие
Группа А. С подземными корнями	Группа А. аэроксильные кустарники
II./гр.а. Прямостоячие	II./гр.а. Рыхлые аэроксильные кустарники
I. Секция. Одноствольный деревья лесного типа	Секция. Вегетативно подвижные, корнеотпрысковые
II. Секция Деревья лесостепного или саваннового типа	

Важным морфологическим признаком лоха восточного как дерева следует считать и характер ветвления, которое в первые и вторые годы жизни у него моноподиальное [3].

У лоха восточного установлено два типа симподиального нарастания. Первое это акросимподиальное или их называют гемисимподиальным – где верхушечная почка главного побега отмирает, а рост продолжает боковые почки, ближайšie к отмершей верхушки. Второй тип это мезосимподиальное нарастание – где после отмирания более длинные верхней участки главного побега, то эстафету перехватывают средние более крупные почки побега. Акросимподиальные нарастания характерно для секции лоха с одноствольным деревьям лесного типа. Мезосимподиальные нарастания для к типу кустарникоподобному лоховым с вегетативно подвижной корнеотпрысковой секции.

Одной из характерных черт приспособления лоха к условиям среды обитания является ее куртинное размещение как следствие вегетативной подвижности сеянца. Одно растение через несколько лет образует целую куртину. Разрастание такой куртины идет в центробежном - радиальном направлении путем придаточных побегов на горизонтальных корнях.

Лох восточный относится к видам с высокой способностью к формообразованию кроны. Изучение эколого-морфологических параметров его особей позволило выявить на территории Узбекистана некоторые формы кроны особей этого вида по классификации А.И. Колесникова [4] и В.И. Климовича [5]; округлую, кустовую,

кустовую раскидистую, широко- раскидистую, шаровидную кустовую, плакучую. Предварительные анализы показали, что большинство особей лоха имеют кустовую, раскидисто кустовую форму кроны, на предгорных частях овальную, округлую, шаровидную, кустовую, а на горных условиях встречаются плакучая, широко-раскидистая крона. Наиболее декоративным являются плакучее и округлее.

В пойме лоховые ассоциации в основном из низкорослых особей и они склонны давать кустовую форму. Такую форму дают корнеотпрыски, но не материнское растение.

В полезащитных насаждениях, как отмечалось высший, лох обычно разводится в подлеске, как кустарниковая порода. Сохранение кустовидной формы без образования главного ствола достигается одно, двукратным спиливанием главного осевого побега, после чего бурно разрастается прикорневая поросль.

Лох в составе тугайной растительности пойм рек большей частью образует чистые заросли, без примеси других пород. Приуроченность лоха восточного к горным районам также может быть доказательством их светолюбивы. Известно, что чем выше местность над уровнем моря, тем больше продолжительность светового дня.

Устройство кроны – ажурность или компактность – так же говорят о различном отношении лоха к световому фактуру. Ажурность кроны лоха восточного, это сравнительно светолюбивы. Менее светолюбивы могут быть, у которых кроны густые и компактные.

Наблюдения показали, что у горных форм лоха в условиях равнины происходит перестройка во внешнем облике кроны. Растения делаются высокорослыми, а кроны более рыхлыми, ажурными, листья мелкими и звездочными.

Литература

1. Серебряков И.Г. Экологическая морфология растений. М.: Наука. 1962. 378 с.
2. Козловская Н.В. Обзор видов рода *Elaeagnus* L. встречающихся на территории СССР // Флора и систематика высших растений. М.;Л.: Изд-во АН СССР. 1958. Вып.12. С. 84-131.
3. Хайдаров Х.К. Онтогенез лоха восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Узбекистане // Узб.биол.журн. Ташкент. Изд. АН РУз. ФАН. 2004. Вып. 4 С. 31-35.
4. Колесникова А.И. Декоративная дендрология. Изд. 2-е, М., 1974. С. 10-56.
5. Климович В.И., Климович И.В. Размножение и выращивание декоративных древесных пород. Изд. 2-е. М.: Рос.сельхозиздат. 1987. С. 5-12.

Resume

ECONOMICAL IMPORTANCE OF *ELAEAGNUS ORIENTALIS* L. AND ITS VITAL FORMS

VOHYDOVA N. S., KHAYDAROV H.K.

Samarkand State University, Samarkand, Uzbekistan

Two bimorphic types of *Elaeagnus orientalis* are found on the territory of Uzbekistan. The first type is represented by one-stem tree of wood type, whereas the second type is represented by a woody bush characterized as a transient form between trees and bushes.

УДК: 634.7

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ВА УРУҒЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

ЖУМАЕВ О.А., БЕРДИЕВ Э.Т.

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент-140 Университет кўчаси 2 уй.

Наъматак фармацевтика саноатини витаминли концентратлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган қimmatли ўсимлик ҳам ашёси билан таъминловчи асосий поливитамин ўсимлик ҳисобланади. Ҳозиргача мевали ва резавор мевали ўсимликлар орасида витаминли таркибига кўра наъматакка тенг келадиган бoша ўсимлик тури аниқланмаган.

Наъматак меваларнинг фармакологик фаоллигини уларнинг мева этидаги С витамини (аскорбин кислотаси) миқдори белгилайди. Ушбу кўрсаткичга кўра наъматак турлари бир-биридан кескин фарқланадилар: *Rosa Fedtschenkoana*, *Rosa beggeriana*, *Rosa maracandica* турлари меваларидан 3000 мг % ортиқ С витамини қайд этилган бўлса, *R. canina*, *R. achburensis*, *R. ambigua*, *R. Arnoldii*, *R. tnansturkestanica* турлари меваларида 1000 % кам С витамини мавжудлиги кузатилган. [2] Муайян тур мевасидаги аскорбин кислота миқдорига систематик белги сифатида ҳам қаралади. С витамини наъматак мевасида қора смородина мевасидан 10 марта, лимондан 50 марта, олмадан 100 марта кўпроқ учрайди. Р витамини ҳам апельсин, лимон, мандарин ва олмага нисбатан наъматак мевасида 10-15 марта кўпроқ. Бундан ташқари наъматак меваларида А провитами, В ва Е витаминлари учрайди. Наъматак уруғларида қimmatли наъматак мойи бўлиб, (9% гача) унинг таркибида 10 мг % каротин, 200 мг % Е витамини

мавжудлиги қайд этилган , шу сабабли наъматак мевалари гипо ва авитаминоз касалликларини олдини олиш ва даволашда яхши самара беради.

Тоғли худудлардаги табиий наъматакзорларни тадқиқ этиш , наъматак туркуми вакилларини морфологик, биологик белгиларига кўра юқори полиморф хусусиятларига эга эканлигини кўрсатди. Айниқса, меваларининг шакли, ранги, оғирлиги ва биокимёвий таркибига кўра юқори даражадаги биохилма-хиллик мавжудлиги аён бўлди. Наъматак меваларининг энг кўп учрайдиган шакли кўзасимон, бутилкасимон бўлиб, у асосан *R. Fedtschenkoana*, *R. achburensis*, *R. karaalmensis*, *R. marakandica* турларига хос, *R. ambigua* мевалари овалсимон, *R. Arnoldii*, *R. divina* мевалари шарсимон, думалқ-овалсимон ва *R. beggyeriana*, *R. Esae* мевалари майда шарсимон шаклга эгадирлар. Барча турларида мева асоси кенгрок, юқориги бўғин қисми торрок кўринишига эга. Мева эти асосан ялтқиробаъзи турларида нозик тукчалар билан қопланган.

Мева рангига кўра ҳам улар турли-тумандир: қизил, тўқ қизил, олов ранг қизил, қорамтир ва хоказо. Қуёш нури тушадиган мева қисми интенсив қизаради. Меваларнинг таъмига биноан баҳолаш бир мунча мушкул: улар асосан нордон ширин, баъзан ширин таъмга эгадирлар. Мевалар етила бошлаши, мева этини қилинлаши билан бошланади, сўнгра улар сарғаяди, аввал меванинг қуёшли тарафи , сўнгра буткул қисми қизаради, бу ҳолат меваларнинг истеъмолбоп етилиши даврида-сентябрь ўрталари рўй беради. Наъматакнинг табиий популяцияларида хўжалиққа назаридан қимматли белги ва хусусиятларга эга шакллари учрайди: йирик мевали, кам уруғли, юқори витаминли ва хоказо. Наъматак меваси (гипантий) табиатан сохта мева ҳисобланиб, мева ичида уруғ миқдорини турлича эканлиги, ривожланаётган уруғларнинг шаклига таъсир кўрсатади. Агар гипантийда кам уруғлар ривожланса , улар бемалол ўсиб, овал-тухумсимон кўринишда шаклланадилар. Агар гипантий серуруғ бўлса, тикилинч ҳолатларда тетраэдр кўринишдаги уруғлар шаклланадилар. [1]

Уруғлар асосан гипантий асосида жойлашадилар. Табиатда 50% гипантийда 1-2 та уруғлари мавжуд шакллар (*R. Fedtschenkoana*) ҳам, бир дона гипантийда ўртача 36 дона уруғлик (бир кг мевасидан уруғ чиқиши 31.5 % ташкил этади) турлар (*R. achburensis*) ҳам учрайди.

Федченко наъматаги Марказий Осиёда энг сервитаминли тур ҳисобланади. Мева этида 8000 мг % гача С витамини борлиги аён этилган. [3] Унинг йирик мевали Чимган-1 шакли мевасининг узунлиги 3.17 ± 0.02 см, диаметри 1.67 ± 0.01 см, ва оғирлиги 3.20 ± 0.06 г билан ажралиб туради. Мева этининг миқдори 2.09 ± 0.03 г ни

ташқил этади. *R. achburensis* турида бу кўрсаткич юқори 2.76 ± 0.05 г ни ташқил этади. (Жадвал 1)

Жадвал 1

Наъматак меваларининг морфологик тавсифи.

Наъматак турлари	Мева узунлиги, см	Мева диаметри, см	Мева оғирлиги, г	Мева эти оғирлиги, г	1 кг мевалардан уруғ чиқиши, %	Бутанинг ўртача хосилдорлиги, кг
Rosa Fedtschenkoana	2,4±0,03	1,34±0,01	1,40±0,03	0,78±0,02	14,7	2,28
Rosa Fedtschenkoana Чимган-1 шакли	3,17±0,02	1,67±0,01	3,20±0,06	2,09±0,03	13,6	4,38
Rosa achburensis	2,7±0,07	1,63±0,03	3,85±0,20	2,76±0,05	31,5	7,30
Rosa arnoldii	2,19±0,07	1,96±0,02	3,29±0,09	2,29±0,05	26,4	4,46

Наъматак мевасининг асосий сифат кўрсаткичи – мева этининг миқдори ва ундаги С витаминининг кўрсаткичидир. Саноат плантацияларида экиш учун мева эти миқдори 2г дан кам бўлмаган ва таркибида камида 1000 мг % С витаминига эга турлар тавсия этилади, улар асосан туркумнинг *Cinnamomea* ва *Leucanthae* секцияси вакиллари дир. [2]

1кг янги терилган мевалардан уруғчиши миқдорига кўра ҳам наъматак турлари фарқланади. *R. achburensis* турида 31.5 %, *R. Fedtschenkoana* турида 13.6 % уруғ миқдори қайд этилди. Бутанинг ўртача хосилдорлигига кўра *R. achburensis* тури ажралиб туради (7.30 кг). Наъматак турлари табиатда 4-5 ёшдан хосилга киради, аксинча плантацияларда кўчатларни парваришlash, суғориш, минерал ўғитлар бериш хосилга кириш вақтини қисқартиради: тажрибаларда кўчатзорда 2 йиллик уру кўчатларнинг 30 % гуллаб хосилга кириши қайд этилган.

Хосилдорлик нафақат иқлим тупроқ шароитларига, балки гуллаш, мева тугиш давридаги иқлим ўзгаришларига ҳам боғлиқ бўлади. Фено кузатишлар наъматакни гуллаш ва мевасини етилиши учун 11-14 хафта зарур бўлишини кўрсатди. Унинг давомийлиги вегетация давридаги иқлим юзага келтирган шароитлар га ва бутанинг ирсий сифатларига боғлиқ бўлади.

Наъматак турлари уруғларининг узунлиги 5 -6 мм, диаметри 2.4-3.3 мм ни ташқил этади. Уруғларнинг ўртача оғирлиги 0.03 -0.05 г бўлса, 1000 та уруғ оғирлиги 19-28 г атрофида бўлишлиги аниқланди. (Жадвал 2)

Наъматак уруғларининг морфологик тавсифи.

Наъматак турлари	Мевадаги ўртача уруғлар сони, дона	Уруғ узунлиги, мм	Уруғ диаметри, мм	Уруғ ўртача оғирлиги, г	1000 та уруғ оғирлиги, г
Rosa Fedtschenkoana	7,36±0,61	5,53±0,05	2,90±0,05	0,04±0,02	23,70
Rosa Fedtschenkoana 4-1 шакли	15,6±0,91	6,86±0,06	3,35±0,04	0,05±0,002	28,95
Rosa achburensis	36,9±1,45	5,33±0,02	2,44±0,02	0,03±0,003	19,26
Rosa arnoldii	23,2±1,26	5,34±0,02	2,72±0,02	0,03±0,002	20,31

Фойдаланилган адабиётлар.

1 Бердиев Э.Т. “Особенности прорастания семян и роста всходов шиповника Федченко” //Экология и лесное хозяйство Средний Азии. Труды УзНИИЛХ. Ташкент 1992г. С. 116-122.

2 Русанов Н.Ф. “Среднеазиатские виды розы. Отдалённая гибридизация, филогения, кариология, витаминность” Ташкент. Фан. 1996 г. С. 180-185.

3 Русанов Н.Ф. “Шиповники Западного Тянь-Шаня // Биоразнообразие Западного Тянь-Шаня: охрана и рациональное использования” Научная конференция. Ташкент. 28-29 марта 2001 г. Ташкент, «Chinor ENR» нашр. 2002 г. С 189-190.

Резюме**МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЛОДОВ И СЕМЯН ШИПОВНИКА.**

ЖУМАЕВ. О.А., БЕРДИЕВ Э.Т.

Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкент-140, ул. Университетская 2.

В статье приводятся результаты научно-исследовательских работ по изучению морфологических особенностей плодов и семян различных видов шиповника. Виды шиповника отличаются большим полиморфизмом. Приведены результаты биометрических измерений и закономерности формирования плодов и семян шиповника.

Resume

MORPHOLOGICAL FEATURES OF DOG-ROSE, ITS YIELDS AND SEEDS

JUMAEV O.A., BERDIEV E.T.

Tashkent State Agrarian University, Tashkent -140, st. Universitet 2.

The results of scientific researches on studying of morphological features of yields and seeds from different species of dog-rose are given in this article. Dog-rose species are very polymorphic.

The results of biometrical measure and appropriateness of formation of yields and seeds of doge-rose are given in this article.

УДК -634.8

НАСЛЕДОВАНИЕ ГИБРИДАМИ ВИНОГРАДА СРОКОВ СОЗРЕВАНИЯ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ПОДБОРА РОДИТЕЛЬСКИХ ПАР

САЛАХОВ М.В.

Узбекский научно-исследовательский институт Садоводства, виноградарства и виноделия имени
Р.Р.Шредера

Основным фактором увеличения производства винограда является сортообновление виноградников путем внедрения новых высокопродуктивных сортов. В общей системе по подъёму сельскохозяйственного производства, улучшению качества и увеличению продуктивности возделываемых культур, ведущая роль принадлежит селекции.

В результате многовековой народной селекции, а также работ по гибридизации, проводимые селекционерами – виноградарями создан разнообразный сортовой фонд рода *Vitis*. Сортимент винограда Республики Узбекистан многочисленен и разнообразен. Тем не менее, ещё недостаточно производится винограда на душу населения, а качество продукции не всегда удовлетворяет современным требованиям. В стандартном сортименте республики мало ранних сортов винограда, а сверхранних сортов нет вовсе.

Решение таких задач, как создание сортов с комплексом хозяйственных признаков, требует того, чтобы селекционер располагал необходимыми сведениями об изменчивости наследования этих признаков. Н.И.Вавилов (1987) подчеркивал, что без знания наследственности и изменчивости количественных признаков, работа по

выведению новых сортов проводится чисто интуитивно. А.М.Нергуль (1987) указывал на необходимость исследования наследственности и изменчивости признаков, и только в этом случае селекция превращается из искусства вылавливания случайностей в науку по созданию новых сортов.

В связи с этим, целью наших исследований является дать генетическую оценку сортам по потомству, выявить характер наследования количественных и качественных признаков, создать новый материал для селекции и провести отбор ценных по комплексу агробиологических показателей гибридов для использования в производстве.

Исходным материалом для подбора родительских пар служили сорта, выделенные нами, как носители различных признаков при агробиологическом изучении коллекции винограда.

Для выявления наследования раннеспелости было проведено 70 скрещиваний между ультраранними, ранними, средними и поздними сортами.

Проведенные наблюдения показали (табл.1), что всё потомство, полученное от скрещивания ультраранних сортов между собой наследует, этот признак. В парах ультраранние x ранние ультраранние составляли 8%, а ранних и средних было 72,3% и 19,7% соответственно. В скрещиваниях ультраранние x средние, ультраранние сеянцы составили 2%, в то время как ранних было 65,6%, а средних 32,4%. В парах ультраранних x поздние, позднеспелых сеянцев было 75% и очень поздних – 10%. Ультраранних и ранних в этих комбинациях не оказалась, а число средних составило 15%. До 10% поздних сеянцев выделилось в комбинациях ранние x ультраранние. При этом ранние сеянцы составляли 60%, а средние – 30%. Большое число ранних сеянцев (70,5%) было в комбинациях, где оба родителя были ранними. Однако в этих комбинациях было и 29,5% сеянцев со средним сроком созревания. При скрещиваниях поздних сортов с ультраранними, почти всё потомство (89%) оказались поздними и очень поздними (11%). В этом случае ультраранние сорта, использованные, в качестве отцовской формы не способствовали появлению ранних или средних гибридов. В комбинациях, где материнскими формами были ранние сорта, а отцовскими средние, сеянцы со средним сроком созревания составляли 72%, а ранние – 25,8%. В этих комбинациях оказалось 2,2% сеянца с поздним сроком созревания. Скрещивание ранних сортов с поздними способствовало появлению до 70% поздних форм, 21,3% средних и 8,7% ранних.

Таблица 1

Наследование гибридами срока созревания урожая

Исходные формы	Число сеянцев, шт	Соотношение сеянцев по срокам созревания, %				
		Ультра- ранние	Ранние	Сред- ние	Позд- ние	Очень поздние
Ультраранние х ультраранние	70	100	0	0	0	0
Ультраранние х ранние	120	8,0	72,3	19,7	0	0
Ультраранние х средние	80	2,0	65,6	34,4	0	0
Ультраранние х поздние	50	0	0	15,0	75,0	10,0
Ранние х ультраранние	150	0	60,0	30,0	10,0	0
Ранние х ранние	130	0	70,5	29,5	0	0
Поздние х ультраранние	120	0	0	0	89,0	11,0
Ранние х средние	115	0	25,8	72,0	9,2	0
Ранние х поздние	180	0	8,7	21,3	70,0	0

Из анализа экспериментального материала следует, что в условиях Ташкентского оазиса сеянцы, полученные в результате скрещивания ультраранних сортов между собой, оказались ультраранними, в других комбинациях с ультраранними сортами ультраранние не оказались, что свидетельствует о рецессивности этого признака. В комбинациях ультраранние на ранние и ультраранние на средние выщепилось до 2 до 8% ультраранних сеянцев. Это были комбинации Зогак пешпазак х Ранний Шредера, Бозори х Сурхак китабский. Можно предположить, что в этих двух ранних и одного среднего сортах в рецессивнее имеются гены ультрараннеспелости. Больше ранних гибридов оказалось в комбинациях где оба родителя раннеспелые (Мадлен Анжевик х Сурхак Китабский, Ранний Шредера х Перлет, Ранний Шредера х Жемчуг Сабо и др.), а также ультраранние с ранними (Бозори х Перлет), несколько меньше ранних гибридов выщепилось в комбинациях средние и ранние на ультраранние. На доминирование раннеспелости в комбинациях между ранними и средними сортами указывают Ю.В.Куземо (1973), Л.А.Карычева (1982), Е.Н.Губин (2009) и др. работавших в других почвенно-климатических условиях.

Литература

1. Вавилов Н.И. Кн.: Происхождение и география культурных растений. Л.1987 г. с.402-418.

2. Негруль А.М. «Селекция винограда» в кн.: Теоретические основы селекции растений, 1937, с.313-357.

3. Куземо Ю.В. Хозяйственно-ценные признаки винограда в первом поколении при гибридизации сортов V.Vinifera.L. в условиях Киргизии. Автореф.. дисс.....к.с.х.н. Алма-Ата, 1973 с.9-10.

4. Карычева Л.А. Наименование основных хозяйственно-полезных признаков в гибридном потомстве столового винограда в предгорной области Алма-Атинской области. Автореф. дисс.....к.с.х.н. Ереван, 1982, с.7-10.

5. Губин Е.Н. изменчивость и наследование признака раннеспелости винограда по комбинациям скрещивания. Ж. Виноделие и виноградарство №2, 2009, с.42-43.

Резюме

УЗУМ ДУРАГАЙЛАРИДА ПИШИБ ЕТИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ ИРСИЙЛИГИНИНГ ОТАЛИҚ-ОНАЛИҚ ЖУФТЛАРИНИ ТАНЛАШГА БОҒЛИҚЛИГИ.

САЛАХОВ М.В.

Узбекский НИИ Садоводства, виноградарства и виноделия имени Р.Р.Шредера

Тошкент вқаси шароитида ультраэртапишар навларни ўзаро чатиштириш асосида олинган кўчатлар ультраэртапишар навлар бўлиб қилиш ультраэртапишар навларнинг бошқа комбинацияларида ультраэртапишар бўлиб чиқмади. Бу эса ана шу белгининг рецессивлигини билдиради. Ультраэртапишар билан эртапишар навларнинг ва ультраэртапишар билан ўртапишар навларнинг комбинацияларида 2 дан 8% ультраэртапишар кўчатлар ажратилди. Булар - Зогак пешпазак х Эртапишар Шредер, Бозори, Сурхак китоби комбинациялари. Бу икки эртапишар ва битта ўртапишар навларнинг рецессивлигида ультраэртапишарлик генлари мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Эртапишар дурагайларнинг кўпи оталигичам, оналиги хам эртапишар бўлган комбинацияларда чиқди (Мадлен х Анжевик х Сурхак китоби, Эртапишар Шредер х Перлет, Эртапишар Шредер х Жемчуг Сабо ва бошқунингдек ультраэртапишар билан эртапишар комбинациясида Бозори х Перлет), ўртапишар ва эртапишар билан ультраэртапишар навли комбинацияда бирмунча озрок эртапишар дурагайлар чиқди.

Resume

GRAPE HYBRID INHERITANCE Of The PERIODS Of The MATURATION DEPENDING ON SELECTION OF PARENTAL VAPOUR (PAIR)

SALAKHOV M.V.

SRI of Gardening, Viticulture and Wine making named after R.R.Shreder

The seeds, obtained as the results of cross-breeding between ultraripening sorts gave ultraripening sort in the conditions of Tashkent oasis.

Ultraripening sorts did not give ultraripening generation in other combinations. Thus, ultraripening features turned out to be recessive. In combinations of ultraripening with early ripening and ultraripening with middle ripening sorts this feature was inherited by 2 till 8% generation. They were in combinations of Zodak peshpazak x Ultraripening Shredor, Bozori x Surkhak kitob.

It is supposed that both early ripening and one middle ripening sort are characterized by presence of ultraripening genes.

Most of the early hybrids were obtained as the result of combinations where both parents are early ripenings (Madlen Anjevic x Surkhak kitob, Early Shredor x Perlet, Early Shredor x Jemchuk Sabo).

Also, in combinations of ultraripening and early ripening (Bozori x Perlet) middle ripening and early ripening sorts were distinguished by little amount of early ripening hybrids.

УДК: 634.574


ПИСТАЗОРЛАР БАРПО ЭТИШДА ГЕО-АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ

ХОЛМУРОТОВ М.

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент-140 Университет кўчаси 2 уй., Тел.: +99897 770-81-77, E-mail: mansur111@mail.ru

Марказий Осиёнинг тоғ олди ҳудудларида ҳандон писта (*Pistacia vera* L.) табиий ҳолда тарқалган. Ушбу ҳудудлар ҳандон пистанинг ватани ҳисобланади, бироқ бугунги кунга келиб уларнинг майдони кескин камайиб кетган. Бу ҳақда бир қатор олимларнинг илмий манбааларида маълумотлар келтирилган [1, 2, 3]. Ушбу манбааларга асосланган ҳолда ҳандон пистанинг биохилма-хиллигини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун тупрак-иқлим шароитлари мос бўлган ҳудудларни аниқлаш ва плантациялар барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ишларни бажариш учун замонавий ГАТ

(геоахборот тизимлари) технологияларидан фойдаланиш ишнинг сифати ва тезлигини таъминлайди (1-расм).




1-расм. Тажриба майдони жойлашган ҳудуд.

Ўртача кўп йиллик иқлим маълумотлари ернинг сунъий йўлдошидан олинади. Ушбу маълумотлар ҳар 100 км² ҳудуд учун алоҳида олинган. Бу эса тажриба аниқлигини таъминлайди. Иқлим маълумотларини таҳлил қилиш учун DIVA-GIS компьютер дастурининг маълумотлари базасига киритамиз. Ҳанон пистанинг ўсиши ва ривожланишини белгиловчи асосий иқлим омилларига ҳавонинг ҳарорати ва йиллик ёғингарчилик миқдори киради. Шунинг учун ҳам маълумотлар базасидан фақат ҳавонинг ҳарорати ва йиллик ёғингарчилик миқдорини танладик. Тажриба майдони жойлашган координаталарда (N 39° 44,963'; E 66° 13,598') микроиқлим кўрсаткичлари компьютер ёрдамида аниқланади ва шунга ўхшаш кўрсаткичларга эга бўлган ҳудудлар харитада белгилаб берилади (2-расм)

Тасвирдаги ҳудудларда шўрланиш кучли бўлмаган ва сизот сувлари пастрода жойлашган тупроқ шароитларида ҳанон писта яхши ўсиб ривожланади [4].

Барпо этиладиган пистазорларнинг маълумдорлигини ошириш учун тажриба майдонидан танлаб олинган ва шу ҳудудда пайвандқилиб синовдан ўтказилган, юқори кўрсаткичларга эга бўлган писта шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда Саройкўрғон ўрмон хўжалиги (Самарқанд вилояти) ҳудудидан танлаб

олинган ва шу хуудда пайванқилиб кўпайтирилган хандон писта шакллариининг биоэкологик кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).



2-расм. Пистазорлар барпо этиш учун ҳарорат ва йиллик ёғингарчилик миқдори ўхшаш бўлган хуудлар.

1-жадвал

Истиқболли хандон писта шакллариининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Хандон писта шакллари				
		21-Ш	52-РГ	521-П	527-Ш	
1	Асосий фенофазаси	Гуллаш	22.04-28.04	22.04-01.05	27.04-05.05	20.04-28.04
2		Эндокарпнинг шаклланиши	30.04-05.07	02.05-07.07	07.05-08.07	29.04-01.07
3		Мағзининг шаклланиши	6.07-30.07	8.07-5.08	12.07-30.08	03.07-30.07
4		Меванинг етилиши	30.07-10.08	5.08-14.08	28.08-04.09	27.07-10.08
5	Меванинг сифат кўрсаткичлари	Узунлиги, мм	18,3	20,5	19,1	21,8
6		Эни, мм	10,5	10,9	13,3	11,6
7		Қалинлиги, мм	10,2	9,9	11,2	9,7
8		100 та мева оғирлиги, г	86	95	115	108
9		Мағзининг миқдори, %	53,5	51,3	51,5	50,0
10		Очиқлиги, %	62	85	80	92
11		Ёғ миқдори, %	54,3	56,6	54,9	64,4
12		Қанд миқдори, %	5,5	6,8	6,7	6,1

Ҳандон пистанинг махсулдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири мева мазининг миқдоридир. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, танланган шакллар ичида 21-Ш, 52-РГ, 521-П ва 527-Ш лар мағзининг миқдори бўйича талаб даражасида (50% дан кўри) эканлиги аниқланди. Бироқ 21 -Ш шакли очқ меваларнинг миқдори бўйича паст кўрсаткичга (62%) эга бўлди. Ҳандон пистанинг харидоргирлигини очилган ёш оқмеваларнинг миқдори ва уларнинг йириклиги каби кўрсаткичлар белгилаб беради. Ушбу шаклларнинг барчаси меванинг йириклиги бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этди. Очқ ёнғоқмеваларнинг миқдори 52 -РГ, 521-П ва 527-Ш шаклларида мос равишда 85, 80 ва 92 фоизни ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, махсулдор писта плантацияларини барпо этиш учун мақбул вариант сифатида 21-Ш, 52-РГ, 521-П ва 527-Ш шаклларини тавсия этиш мумкин. Ушбу шаклларида фойдаланиб пистазорлар барпо этиш орқали худудларнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланади ва Ҳандон пистанинг истиқболли маҳаллий шакллари сақлаб қолинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аблаев С.М. Культура фисташки в Средней Азии. Ташкент: Фан, 1992.
2. Типология лесов Киргизской Республики / Э.Гриза, Б.Венгловский,
3. Сарымсаков, Г.Карраро. –Бишкек, 2008. С. 61-68.
3. Чернова Г.М. Биоэкологические основы селекции фисташки настоящей (*Pistacia vera* L.) в Центральной Азии. Бишкек, 2004.
4. Юан Л., Карим А. Влияние солеустойчивости на содержание растворимых сахаров, крахмала и пролина в фисташке. *Xinjiang nongye daxue хуебао*. №2, 2004, т.27, -С. 19-23. China.

Резюме

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ ДЛЯ СОЗДАНИЯ ФИСТАШНИКОВ И РАЗМНОЖЕНИЕ ПЕРСПЕКТИВНЫХ ФОРМ

ХОЛМУРОТОВ М.

Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкент-140, ул. Университетская 2.

Тел.: +99897 770-81-77, E-mail: mansur1111@mail.ru

В статье приводятся результаты исследований по использованию современных гео-информационных систем для определения оптимальных лесорастительных условий с целью создания промышленных плантаций фисташки настоящей. В работе координаты опытных участков определялись при помощи прибора GPS и на основании

базы данных компьютерной программы DIVA-GIS. Анализированы климатические данные местности. Полученные результаты рекомендуется использовать для определения оптимальных лесорастительных условий роста и развития различных древесных пород.

Для создания высокоурожайных фисташников, они должны создаваться на основе перспективных форм. Рекомендованы выделенные 4 перспективные формы фисташки для создания плантации в малообеспеченной богаре.

Resume
USE OF GEOINFORMATION SYSTEMS FOR ESTABLISHING OF PISTACHIO
PLANTATIONS AND REPRODUCTION OF PERSPECTIVE FORMS

KHOLMUROTOV M.

Tashkent state agrarian university, Tashkent -140, st. Universitet 2., Tel.: 770-81-77, E-mail:
mansur111@mail.ru

The results of researches on use of modern geo-information systems for definition of optimum forest growing conditions for the purpose of creation of industrial plantations of a pistachio presented in this article. Experimental sites were defined by GPS and on the bases of computer program DIVA-GIS. The received results were recommended for definition of optimum forest growing conditions of growth and development of various tree species.

In order to establish high-yielding orchards it is recommended to use perspective forms of pistachio. Tested perspective forms of pistachio is recommended for establishment pistachio plantation.

УДК 634.746.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЗИРК ҚОРАҚАНД (BERBERIS OBLONGA RGL) ВА
ҚИЗИЛ ЗИРК (BERBERIS INTEGGERIMA BGE) БИОМОРФОЛОГИЯСИ ВА
АРЕАЛЛАРИ.

Ф.ЧОРШАНБИЕВ

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент-140 Университет кўчаси 2 уй.

Berberis туркуми вакиллари (*Berberidaceae* Juss) шимолий ярим шарнинг мўътадил иқлимли қисмида 50⁰ шимолий кенглик ва тропиклар оралиғида, асосан тоғли худудларда кенг тарқалган. Зирк турлари доривор, манзарали, бўёқ олинувчи, озик-овқат ва зиравор ўсимлик сифатида маълум. Зирк ўсимлигининг илдизидан ва новда пўстлоғидан берберин алкалоиди олинади. Берберин-сульфат таблеткаси холецистит,

ўт пуфаги касалликлари, сурункали гепатит ва гепахолецистит касалликларида қўлланилади. Илдиз пўстлоғи настойкаси “холелитин” комплекс препарати таркибига киритилган, 20% ли эритмаси қон тўхтатувчи, 5 % эритмаси жигар касалликларида фойдаланилади. Зирк асал ширасига бой ўсимлик, мева шарбати ози -овқат ва виночиликда кенг фойдаланилади. Ўрмон мелиорацияси учурам қимматли ўсимлик ҳисобланади. *Berberis* туркумига баргини тўқувчи ярим доим яшил ва доим яшил жами бўлиб 490 га қин турлар, шакллар ва дурагайлар киритилган. МДХ давлатларида тарқалган 12 та зирк турини 8 та тури Марказий Осиёнинг тоғли ҳудудларида табиий тарқалган. Ушбу зирк турлари орасида халқ хўжалигидаги жамиятига кўра зирк қорақанд (*Berberis oblonga Rgl*) вақизил зирк (*Berberis integgerima Bge*) алоҳида ажралиб туради. Зирк қорақандни ботаник олим Эдуард Регель (*E. Regel 1877*) илк бор қора зиркнинг (*Berberis heteropoda Schrenk*) Туркистонда кенг тарқалган муҳим шакли (*Berberis heteropoda Schrenk var. oblonga Rgl*) сифатида алоҳида ажратди ва тавсиф берди. Ушбу тур Фарбий Тянь - Шанда Чотқол дарёси ҳавзасидан тайёрланган гербарий асосида ўрганилди ва *Berberis heteropoda* туридан эллиптик, чўзинчоқ мевалари бўйича фарқланди.[1]

Бирмунча кейинроқ Шнайдер (*Schneider 1905*) ушбу зирк шаклини алоҳида тур сифатида ажратди, ҳамда унга *Berberis oblonga* деб илмий ном берди.

Berberis oblonga (Барбарис продолговатый) тури кейинги тадқиқотчилар – М.Г.Попов [2] Б.А.Федченко [3] А.С.Лозина-Лозинская [4] М.Туляганова [5] К.Т. Арифханов, Т.И. Славкина [6] илмий асарларида алоҳида тур сифатида келтирилади. Ушбу зирк тури баргини тўқувчи, бўйи 3-5 метргача етадиган йирик бута, барглари юққа, тухумсимон, тескари тухумсимон ва эллипс шаклларига эга, узунлиги 2-6 см, қирралари текис ёки тишли, устки томони кўкимтир, остки қисми яшил рангда. Новдалари юмалок, янги 1-2 йиллик новдалари қизғиш кўп йиллик новдалари кул ранг пўстлоқ билан қопланган. Тиканлари яққа ва уч бўлакли, узунлиги 0,5-1,5 см бўлиб, ўртада жойлашган тикани доимо ёнлама тиканларидан узун бўлади. Гул шодаси мураккаб кўп гулли, 10 - 30 (50) донагача гуллари бўлади, уларнинг ҳар бири 1 см гача диаметрга эга бўлиб сариқ рангдаги 6 та гулбаргларидан иборатди р. Май ойида гуллаб сентябрда мевалари етилади, мевалари аввал тўқизил рангга, тўлиқ пишиб етилган тўқ қора-кўк рангга киради, ҳамда оқ ғубор билан қо планади. Резавор мевалари ҳам тўплам ҳолида етилади, тўпламида 8 - 25 та мевалари бўлади. Мевасини оғирлиги 0,17-0,25г, узунлиги 9,7-10,4мм, диаметри 4,5-5,6мм, шакли эллиптик чўзинчоқдир.

Мевасида 1-4 та уруғлари (78 % меваларида 2 та уруғ учрайди) мавжуд бўлиб, улар чўзинчоқ, тухумсимон, жигар рангда ялтирқоқ қобикка эгадир. Битта уруғини нг оғирлиги 0,01 - 0,04 г. уруғ узунлиги 5,1 - 6,2 мм, диаметри 2,1 - 2,8 мм бўлиб, 1000 та уруғ оғирлиги 13 - 16 г атрофларида бўлишлиги кузатилади. 1 кг янги терилган меваларидан 200 - 220 г уруғ олиш мумкин.

Berberis oblonga ареали Фарбий Тянь - Шань ва Помир – Олой билан чеклангандир. Ушбу тур Ўзбекистонда Фарбий Тянь – Шань, Писком, Чотқол, Угом, Қоржонтов, Қурама тизмаларида Туркистон Ҳисор ва Зарафшон тизмаларида кўплаб ўсади. Тожикистонда асосан Туркистон тизмасида учрайди, камроқ бўлса ҳам Қурама, Зарафшон ва Ҳисор тизмаси шимолий шарқий ёнбағирларида, Искандаркўл, Ле бижой кўллари атрофларини ўраб турганларда қайд этилган. Қозоғистонда *Berberis oblonga* Жанубий Қозоғистонда Қоратов, Машат ва Талас Олатови, Қуюқ, Александр тизмаларида тақалган, баъзан катта майдонда зиркзорлар юзага келтирган. (6) Қирғизистонда бу тур асосан Фарғона ва Олой тизмаларида ўсади. Ушбу зирк тури 1500 - 3000 м баландликларда учрайди, лекин 2300-2700 м баландликларда саур арча (*Juniperus semiglobosa*) ва ўрик арчадан (*Juniperus turkestanica*) иборат микротермик ўрмонзорларда пастки ярусларда жалин зирк бутазорлар ини юзага келтиради. Ушбу ўсимлик формациясида зиркқорақандга доимий ҳамроҳ ўсимликлар – шилви турлари - *Lonicera bracteolaris*, *Lonicera simulatrix* ва *L. microphylla* қорақат, *Ribes Meiyeri*, наъматак турлари – *Rosa Ecae*, *Rosa divina*, *Rosa canina*, *Rosa Fedtschenkoana*, *Rosa maracandica*, тобулғи *Spiraea hypericifolia*, четан - *Sorbus tianschanica* билан биргаликда ўсади. Қизил зирк (*Berberis integgerima* Bge) ботаник олим Бунге (*Bunge*) томонидан 1843 йилда Зарафшон дарёси ҳавзасида тайёрланган гербарий асосида алоҳида тур сифатида *Berberis* туркумига киритилган. Ушбу зирк тури тангасимон зиркка (*Berberis hummularia* Bge) яқин тур бўлиб, унда чўзинчоқ, эллиптик тўқ-қизил резавор мевалари билан фарқланади. Қизил зирк бўйи 4 м га, баъзан 5-6 метрга етувчи кўп танали бутадир. Новдаларининг диаметри 5 - 6 см, юмалоқ, тўмтоқ бурчакли. Барг қирралари текис, тухумсимон шаклда бўлиб, қирраси тишсимон тиканли, 2 - 6 см узунликда бўлади. Новда тиканлари бир ёки уч бўлакли. Мураккаб тўп гулларида гуллари зич-12 - 25 тадан бўлиб жойлашади. Резавор мевалари аввал оқизил, тўлиқ пишиб етилган тўқ қизил рангга киради. Мевалари билинар - билинмас оқ ғубор билан қопланган бўлади. Мева узунлиги 9 мм гача, диаметри 3,5 - 4,5 мм бўлади. Уруғлари силлик, чўзинчоқ, узунлиги 5 мм етади. 1 кг мевасида 5 минг дона резавор мева ёки 71,5 минг дона уруғ бўлади. *Berberis integgerima* ареали *Berberis oblonga* турига

нисбатан анча кенг тарқалган. У Марказий Осиёда Жунғор Олатовидан токи Афғонистоннинг тоғли худудларигача бўлган ораликдаги Помир-Олой, Тянь-Шань тоғ тизимида кенг тарқалган тур ҳисобланади. Марказий Осиёдан ташқарида Эрон ва Ғарбий Хитойнинг тоғли ўлкаларида ҳам ўсади.

Ўзбекистоннинг Ғарбий Тянь-Шань тоғларида, Туркистон тоғ тизмасида камроқ, Ҳисор ва Бойсун тоғларида кўпроқ учрайди, асосан 1400 - 2500 м баландликларда тарқалган Тожикистонда Ғарбий Помирда Панж дарёси ўнг қирғоғи, Ванч дарёси водийси, Дарвоз тизмасининг жанубий қисмида, ҳамда Зарафшон ва Ягноб дарёлари хавзалари, Ҳисор тизмасида кўп тарқалган.

Ушбу зирк турлари саур арча ва ўрик арчадан иборат микротермик ўрмонзорларнинг пастки ярусларда кўплаб ўсади, баъзидай шароитларда ўтиб бўлмас зиркзорлар ҳосил қилади. Қизил зирк ҳам шилви, қорақат, наъматак, ирғай, четан ва тобулғи турлари билан биргаликда аралаш бутазорлар ташкил этади. Бу икки зирк турининг табиий популяцияларида йирик мевали шакллари учраб туради, зирк генофонди ҳозиргача ўрганилмаган. Зирклар асосан табиатда уруғлари воситасида кўпаяди. Зирк мевалариқушлар учун яхши озука бўлиб, улар ўз навбатида зирк уруғларини табиатда тарқалишига ёрдам берадилар. Ниҳоллар апрель ойларида пайдо бўлади, ёзги ойларда намлик етишмовчилиги ва кўп йиллик ўтлар билан боғлиқда уларнинг 90 % нобуд бўлади, фақат яшовчанлиги юқори бўлган ниҳолларгина бута сифатида шаклланадилар.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Арифханов К.Т. Славкина Т.И. Виды рода *Berberis* l. интродуцированные Ботаническим садом АН УзССР «Дендрология Узбекистана, Ташкент, Издательство ФАН УзССР, 1981-С 3 - 170
2. Запрягаева В.И. Дикорастущие плодовые Таджикистана Москва – Ленинград, Наука 1964, 695 с – 41 л ил.
3. Запрягаева В. И. Лесные ресурсы Памиро-Алая, Ленинград, Наука 1976 -593 с
4. Лозина – Лозинская А.С. Род Барбарис - *Berberis* «Деревья и кустарники СССР» Москва 1954 том 3 с 53 - 71
5. Федченко Б. А. Род Барбарис – *Berberis* L. «Флора СССР» том 7 издательство АН СССР Москва – Ленинград 1937 С 553 – 560
6. Туляганова М. *Berberis* l. –Барбарис «Определитель растений Средней Азии. Критический конспект флоры том 3 изд. ФАН УзССР Ташкент 1972 С 233 – 235.

Резюме

БИОМОРФОЛОГИЯ И АРЕАЛЫ БАРБАРИСА ПРОДОЛГОВАТОГО (*BERBERIS OBLONGA* RGL) И БАРБАРИСА ЦЕЛЬНОКРАЙНЕГО (*BERBERIS INTEGGERIMA* BGE) В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ЧОРШАНБИЕВ Ф

Ташкентский государственный аграрный университет, Ташкент-140, ул. Университетская 2.

В данной статье приводятся биоэкологические особенности и лекарственные свойства двух перспективных видов барбариса, широко распространенные в горах Центральной Азии. Уточнены ареалы распространения и условия произрастания этих видов, и основные сопутствовавшие виды древесно-кустарниковых пород в естественных популяциях. Приводится биоморфологическая характеристика плодов и семян.

Resume

BIOMORPHOLOGY AND AREAS OF THE OBLONG BORBERRY (*BERBERIS OBLONGA* RGL) AND INTEGGERIMA BORBERRY (*BERBERIS INTEGGERIMA* BGE) IN CENTRAL ASIA

CHORSHANBIEV F

Tashkent State Agrarian University, Tashkent -140, st. Universitet 2.

Bioecological and medical features of two perspective species of barberry widely spread in mountains of Central Asia are given in this article. Distribution areas and growing conditions of these species, and main accompanied species of wood-bush breeds in the natural population are also described in this article. Biomorphological characteristics of fruit and seed are also discussed in this article.